

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ОҚБОШ КАРАМ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Жадигерова Миързагул Сарсенбаевна

Таянч докторант, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институту

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10597058>

**Аннотация:** мақолада оқбош карам касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш чоралари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** оқбош карам, касалликлар, зараркунандалар, қарши курашиш чоралари. Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга тури касаллик ва зараркунандалар кучли даражада тўсқинлик қилади. Ушбу биотик омилларга самарали барҳам беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг зичлигини иқтисодий зарар миқдор мезонидан паст ҳолда ушлаш қишлоқ хўжалигида долзарб масала ҳисобланади [1].

Маълумки, мамлакатимиз шароитида оқбош карам ҳосилдорлиги ва унинг сифатига кўплаб касаллик ва зараркунандалар кучли зарар етказди. Улар орасида бутгуллилар бургаси, карам капалаги ва тунламлар, карам бити, оққанот, касалликлардан шилимшиқ бактериоз ва қорасон энг кўп зарар етказди.

С.А.Доброхотов, А.И.Анисимов ва У.Б. Рогозева [2] ўз тадқиқотларида бутгуллилар бургасига қарши микробиологик препаратлардан Немабакт, Бацикол ва биокимёвий препаратом Фитоверм, шунингдек кимёвий препарат Актара қўллашганда, ўсув даври охирида ўсимликларнинг сақланиши микробиологик препаратларда 88%, Фитоверм – 95% ва Актарада 100% ни ташкил этган.

Карам зараркунандаларига қарши Фитоверм препаратини қўллашнинг юқори натижавийлиги О.А. Шульгина, И.В. Андреева, Е.И. Шаталова ва М.В. Штерншис [3] каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам алоҳида таъкидланган. Тадқиқотчилар Ғарбий Сибирнинг жанубий ҳудудларида фитоверм тангақанотли зараркунандаларга қарши энг яхши самара берган. Карам битига барҳам бериш учун препаратни юқори дозада қўллашга тўғри келган. Бироқ препаратни бутгуллилар бургасига қарши қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб таъкидланган.

Ўсимликларнинг касалланиш даражасини пасайтиришда турли агротехник омилларнинг аҳамияти тўғрисида ҳам тадқиқотчилар адоҳида тўхталишган. Бинобарин, Н.В.Чефонова [4] томонидан ҳам олиб борилганда тадқиқотда, карам экилган тупроқни сомон билан мульчалаш ўсимликларнинг ўтказувчи най бактериози билан касалланишини камайтирган. Ушбу вариантда энг юқори – 77,1 т/га ҳосил олинган.

Л.Е.Липп [5] ўз тадқиқотлари асосида карамга куя, бутгуллилар бургаси, карам оққаноти, шолғом оққаноти, тунлам ва битлар энг кўп зарар келтиришини аниқлаган. Тадқиқот натижаларига кўра ушбу зараркунандалар мажмуига қарши Каратэ зеон ва унинг бошқа препаратлар билан қўшилмаси энг яхши самара беришини таъкидлаган. Ҳосилдорлик 22-24% га ортган.

Л.Е.Липп [6] ўзининг дастлабки тадқиқотларида Челябинс областида асосий экин сифатида етиштирилувчи оқбошли карам зараркунандаларининг тур таркиби ва

уларнинг ўсув давридаги зичлигини аниқлаган. Кузатувларда аниқланишича, ушбу худудда оқбошли карамга асосан бутгуллилар бургаси ва карам куяси энг кучли зарар етказди. Улар орасида тўлқинли бутгуллилар бургаси (*Phyllotreta undulata*) доминант тур ҳисобланади.

И.А.Кузнецованинг [7] таъкидлашича, Красноярск ўрмон-дашт минтақасида оқбош карамга карам тунлами (*Mamestra brassicae* Lin.), карам куяси (*Plutella maculipennis* Curt.), карам пашшаси (*Delia floralis* Fall.), карам бити (*Brevicoryne brassicae* L.) ва бутгуллилар бургаси (*Phyllotreta* sp.) энг кўп зарар келтиради. Тадқиқотчи уларга қарши курашиш учун карам уруғига экиш олди триходермин (0,5%) суспензияси билан ишлов бериш, кўчатини очиқ майдонга экишда планризнинг (0,2%) фитоверм (0,4%) билан аралашмасига ботириб олиш, ўсув даврида фитоверм к.э. ва лепидоцид билан бир марта ишлов беришни тавсия этган.

Омск областида оқбош карам асосий экин сифатида етиштирилиши сабабли унинг зараркунандаларига қарши самарали курашиш усули ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган. Тадқиқотчилар Омск шароитида карамга зарар етказувчи зараркунандаларнинг тур таркибини тадқиқ қилиб, унга зарар етказувчи 10 та оилага мансуб 25 та ҳашарот турини тавсифлашган.

Карамнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашишда чидамли навларни қўллаш кўплаб олимлар томонидан алоҳида эътироф этилган. Бинобарин, Н.Б. Петрова, А.Ф. Бухаров [8], А.А. Ушаков, А.А. Масловларнинг [9] маълум қилишларича, Бутунроссия Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтида кейинги 5 йилда карамнинг 20 та нав намуналари, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги бўйича ажратилиб олинган ҳамда улар карам экинлари лабораториясида селекция жараёнида ишлатиш учун киритилган.

### References:

1. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б. 325-329.
2. Доброхотов С.А., Анисимов А.И., Рогозева У.Б. Выращивание и защита белокочанной капусты от вредителей при различных технологиях земледелия // Электронный научно-методический журнал Омского ГАУ. - 2016. – Спецвыпуск №2. - URL <http://e-journal.omgau.ru/index.php/spetsvypusk-2/31>.
3. Шульгина О.А., Андреева И.В., Шаталова Е.И., М.В. Штерншис. Подавление численности фитофагов капусты фитовермом в условиях юга Западной Сибири. // Достижения науки и техники АПК, 2010. – №12. – С. 52-54.
4. Чефонова Н.В. Мульчирование почвы при выращивании капусты белокочанной позднеспелой при капельном орошении. // Овощи России, 2014. – № 3(24). – С. 64-67.
5. Липп Л.Е. Вредители капусты белокочанной, биологические и химические меры борьбы с ними в северной лесостепи Челябинской области. Автореф. канд. дисс... с.-х. наук. – Курган, 2009. – С. 3-7.
6. Липп Л.Е. Влияние факторов среды на развитие и численность вредителей капусты белокочанной. // Фитосанитарное обеспечение устойчивого развития агроэкосистем:

сб. науч. статей – Орёл: ОрёлГАУ, 2008. – С. 218-220.

7. Кузнецова И.А. Биопрепараты в защите капусты белокочанной от вредителей и болезней в условиях Красноярской лесостепи. Автореф. канд. дисс... с.-х. наук. – Новосибирск, 2003. – С. 3-8.

8. Петрова Н.Б., Бухаров А.Ф. Создание линий капусты белокочанной для селекции на гетерозис на базе ЦМС. // «Современные тенденции в селекции и семеноводстве овощных культур. Традиции и перспективы». I Международная научно-практическая конференция (4–6 августа 2008 года). – Москва, 2008. – Т. II. – С. 233–234.

9. Ушаков А.А., Маслова А.А. Устойчивость исходного селекционного материала капусты белокочанной к болезням и вредителям. // «Современные тенденции в селекции и семеноводстве овощных культур. Традиции и перспективы». I Международная научно-практическая конференция (4–6 августа 2008 года). – Москва, 2008. – Т. II. – С. 367–372.